Тошкент оқшоми

2018 ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (13.606)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2018 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2018 йилнинг февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 январь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

АРМИЯ БИЛАН ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

Бугун "Локомотив – Анҳор" деб аталаётган истироҳат боғи яқиндагина ташландиқ, овлоқ жой эди. Йиллар давомида йўловчилар нигоҳини тўсиб, кўнгилни ғаш қиладиган манзара касб этган муваққат девор ортида нималар бору, нималар бўлаётганлигини кўпчилик билмасди.

Ҳозир эса кўнгилочар боғга айлантирилиб, Янги йилнинг катта арчаси болажонларимизу онажонларимизга бир олам қувонч улашди. Куни кеча бошқа байрамлардан қолишмайдиган, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Барча байрамларнинг боши" бўлган Ватан ҳимоячилари кунини айни шу жойда халқ сайли сифатида нишонладик. Қуёш ярақлаб турган бўлса-да, елвизакли ҳаводан қишнинг заҳри сезилади. Шунга қарамасдан минглаб пойтахт аҳли, айниқса, ёшлар ҳарбийларимизнинг бўй-бастини кўриш, ҳарбий техникаларимизни томоша қилиш, умуман олганда, сайилда иштирок этиш учун ташриф буюрди. Улар орасида баъзилари ҳарбий бўлишга орзумандлиги боис ошиқиб келган бўлса, аксариятида шу майдонда юрт ҳимоячиси бўлишга иштиёқ уйғонган бўлса ажабмас. Чунки ишонч билан қурол кўтарган, алпқомат, қарашлари қатъий йигитларимизга, албатта, ҳамма ҳавас, меҳр, фахр ва ғурур билан қараши табиий.

(Давоми 2-бетда)

АҚШ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Марказий Осиёда "С5+1" форматида учрашув ўтказишни режалаштирмоқда.

"С5+1" Марказий Осиёнинг беш давлати ва АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг мулоқотини англатади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ташқи ишлар вазирлари ва АҚШ Давлат котибининг ушбу форматдаги илк учрашуви 2015 йил 1 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган.

Хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга кўра, АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Элис Уэллс "С5+1" форматидаги шерикликни амалий ва самарали деб атаган.

Аввалги маъмурият томонидан йўлга қўйилган бу формат АҚШ Президенти Дональд Трамп томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланмоқда. Давлат котибимиз Рекс Тиллерсон Нью-Йоркда ўз ҳамкасблари билан бу доирада учрашганди. Келгусида Марказий Осиёда шундай учрашув ўтказилади. Бу лойиҳани мустаҳкамлаш учун АҚШ Конгресси 15 миллион доллар маблағ ажратган, деган Элис Уэллс.

Унинг сўзларига кўра, Америка Қўшма Штатлари Марказий Осиё бирлашаётгани ва минтақанинг умумий муаммоларини ҳал қилаётганидан хурсанд.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бундай натижага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли эришилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини таъкидлаган эди.

Бу мақсадлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Президентимиз илк давлат ташрифларини қўшни мамлакатларга амалга оширди. Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари давлат ташрифи билан Тошкентда бўлди. Тожикистонга олий даражадаги сафар режалаштирилмоқда. Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли минтақада ишонч даражаси сезиларли ошди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлаклари, савдо алоқалари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли ечимлар топишга эришилди.

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлади. "Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деган эди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида йирик халқаро конференция ўтказилди. Конференцияда Президентимиз нутқ сўзлаб, Марказий Осиёни барқарор ва иқтисодий ривожланган минтақага айлантириш, улкан ҳудудда тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича долзарб ташаббусларни илгари сурди. Қўшни давлатлар вакиллари уларни қўллаб-қувватлаб, минтақа олдидаги долзарб масалаларни муҳокама қилди, умумий ёндашувлар ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олди.

Минтақамиздаги бундай ижобий ўзгаришларни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ҳам эътироф этди. 2017 йил 19 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан телефон орқали мулоқотда АҚШ Президенти Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшнилик муносабатларини ривожлантириш ва кооперацияни фаоллаштиришга қаратилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очиқ ва конструктив ташқи сиёсати ва фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

"С5+1" форматида ўтказиладиган навбатдаги учрашув Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ОДАМЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШИ АКС ЭТГАН ҲУЖЖАТ

"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик томонидан қизғин ўрганилмоқда ва муҳокама қилинмоқда.

Бунинг боиси унинг шунчаки оддий ҳужжат эмас, балки одамларнинг дарду ташвишини ўзида акс эттирганида. Унинг ҳар бир йўналишида халқ манфаатига хизмат қиладиган эзгу мақсадлар илгари сурилган. Айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни юртдошларимиз қўллаб-қувватлаши баробарида бу борада ўз таклифларини дадил илгари сурмоқда.

"Тараққиёт стратегияси" марказида Давлат дастурининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида белгиланган тадбирлар муҳокамасига бағишланган брифингда бу алоҳида қайд этилди.

"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов бошқарган брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А.Тўхташев, адлия вазирининг биринчи ўринбосари Н.Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи У.Муҳамедов, ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари У.Тошхўжаев журналистларга ахборот берди.

– Суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган бош мақсад – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни кучайтиришдир, – деди Олий суд судьяси А.Тўхташев. – Шу мақсадда судлар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Лекин фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суддан ҳали тўла фойдаланаётгани йўқ. Давлат дастури лойиҳасида суднинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган амалий чоралар назарда тутилган. Дарҳақиқат, суд мустақиллиги борасида муаммолар йўқ эмас. Соҳадаги ҳамма кадрлар қўйилаётган талаблар даражасида етарли фаолият олиб борянти, деб бўлмайди. Бундай ҳолларга барҳам бериш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида босқичма-босқич иш олиб борилаётгани ўз самарасини бера бошлади. Ягона суд тизими яратилганидан сўнг ўтган олти ойда Олий суд томонидан 10 дан ортиқ қонун лойиҳаси парламентга киритилди. Ушбу лойиҳалардан учтаси янги кодекс бўлиб, улар Сенат томонидан маъқулланди. Ҳолбуки, бундай кенг қамровли ишлар аввалги тузилма томонидан 5-6 йилда ҳам бажарилмаган. Соҳага оид қонунларнинг изчил такомиллашуви судьянинг фақат қонунга бўйсунишига, унинг мустақиллиги дахлсизлиги таъминланишига олиб келади. Жамоатчилик фикри инобатга олинган ҳолда судья номзоди тасдиқланиши тизимда шаффофликни таъминлайди.

– Фуқаролар манфаатлари таъминланиши учун улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши керак. Шу мақсадда адлия органларининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими бу йил янада ривожланади, – деди адлия вазирининг биринчи ўринбосари Н.Жўраев. – Мисол учун ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи адвокатлар кўп ҳолларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини фақат судда ҳимоя қилиш билан шуғулланмоқда. Уларнинг ҳуқуқий ҳимоя борасидаги фаолиятини янада кенгайтирамиз. Улар юридик хизмат ходими сифатида, тадбиркорларга консалтинг хизмати кўрсатиш каби соҳаларда ҳам фаолият юритади. Юридик кадрлар тайёрлаш кўлами кенгайтирилади. Ҳуқуқий ахборот тарқатиш тизимининг замонавий услублари, яъни интернет, ижтимоий тармоқлар орқали қонунчиликдаги янгиликлар тарғиботининг одамларга кўпроқ фойдаси тегмоқда. Шу боис бу фаолиятимиз бу йил янада кенгаяди. Онлайн-маслаҳат бериш тизими жорий этилади.

– Давлат дастури лойиҳасида фуқароларнинг қийноққа солиниши ёки бошқача тарздаги қадр-қимматини камситувчи тазйиқлардан ҳимояланиш кафолатларини янада кучайтиришга эътибор қаратилган, – деди Бош прокуратура бошқарма бошлиғи У.Муҳамедов. – Яна бир масала – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймаслик, процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган кўрсатмалар, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўймасликдир. Айтиш керакки, дастлабки терговда далиллар мақбуллиги билан боғлиқ нотўғри амалиёт афсуски бор. Фуқароларнинг муайян ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари йўқ эмас. Эндиликда амалга ошириладиган янги чоралар бундай ҳолатларга барҳам беради. Қонуни бузган ҳолда олинган далил айбланувчининг оқланишига олиб келади. Жиноят содир этилса, кимдир жабр чекиши айни ҳақиқат. Шу боис жиноятни яширганлик учун жавобгарликни кучайтириш кутилмоқда.

– Прописка ҳақиқатан долзарб масала бўлиб турибди. Давлат дастури лойиҳасида белгиланганидек бу борада фуқароларга зарур қулайликлар яратилади, – деди Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари У.Тошхўжаев. – Ҳозирги кунда ижара шартномаси асосида фуқароларни вақтинча рўйхатга олиш амалиёти мавжуд. Лекин бу ортиқча вақт, оворагарчилик каби нохуш ҳолатларни ҳам юзага келтирмоқда. Шу боис бу масалада фуқароларга зарур қулайлик яратилади. Лекин ҳали прописканы бутунлай бекор қилолмаймиз. Бунга алоҳида тайёргарлик зарур. Барча ҳудудларнинг бирдек ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши бир кун келиб бунга ўз-ўзидан замин яратади. Халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган ID карталарини жорий этиш, амалдаги паспортни янада такомиллаштириш борасида иш олиб борилади.

Норгул АБДУРАИМОВА

Ҳаёт садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах шаҳри марказида ҳарбий хизматчилар оилалари учун қуриб битказилган уч қаватли иккита уйга кўчиб кирган 36 ҳарбий оиланинг барчаси учун Ватан ҳимоячилари куни қўшалоқ байрам бўлди. Янги уй соҳибларига ташкилотчиларнинг совғалари ҳам топширилди. Санъаткорларнинг концерт дастури тадбирни чинакам уй тўйига айлантирди.

• Фарғона вилоятидаги 19 туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш марказларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларини самарали ташкил этиш мақсадида "Damas" автомашинаси топширилди.

• Ургут туманида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан сайёр семинар ўтказилди. Семинарнинг асосий хулосаси бундай бўлди: Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида вилоят маҳаллалар кенгаши томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар маҳаллани халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакчисига айлантиришга, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга хизмат қилади. Семинар – бу жараён бошлангани ҳақидаги бонг бўлди.

• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилояти кенгаши томонидан чекка ҳудудларда яшаётган хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида Улуғнор туманидаги маҳаллаларда мулоқотлар ўтказилди.

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Ўзбекистон ихтирочи аёллари" уюшмаси томонидан уюштирилаётган "Ўзбекистон аёлларининг 100 энг яхши инновацион лойиҳаси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Греция касаба уюшмалари Европа Иттифоқидан кредит олиш мақсадида кескин иқтисодий ислоҳотлар йўлида қабул қилинаётган бир нечта қонун лойиҳаларига қарши мамлакат пойтахти Афинада бир неча минг кишилик норозилик намойишини ўтказди. Жумладан, кеча пойтахтда жамоат транспорти ходимларининг иш ташлаши боис катта тиқилинчлар юзага келди. Полиция намойишчиларни тарқатиш учун кўздан ёш оқизувчи газни қўллади.

• Ёкутистонга Арктика қаҳратон қиши кириб келди. Бу ерда ҳаво ҳарорати баъзи жойларда Цельсий шкаласи бўйича минус 65 даражага етди. Қаҳратон совуқ йўлда машинаси бузилиб қолган икки нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Ҳозирда бу ерда юқори даражадаги тайёргарлик режими жорий этилиб, авария-қутқарув хизматлари катта куч билан ишламоқда.

• Кеча Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида яна бир террорчилик ҳаракати амалга оширилди — Канада элчихонаси атрофида реактив снаряд портлатилди.

АРМИЯ БИЛАН ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини томоша залларида шунчаки ўйин-кулгу билан ўтадиган бир марталик тадбир эмас, балки халқ сайлига айлантириш, мамлакатимизнинг энг чекка худудларида ҳам чинакам айём сифатида нишонлаш керак эканлиги тўғрисида фикр билдирди. Қувончлиси шуки, давлатимиз раҳбарининг ҳар қандай соҳага тегишли ҳар бир қарори тез фурсатда амалга ошиб, ўз самараларини бермоқда. Ҳарбий тизимда бир йил аввал берилган кўрсатмалар бугун ҳаётга татбиқ этилиб, кўз ўнгимизда ҳаёт-мамот масаласи – мудофаа ишларида ҳам янгиланишлар бўй кўрсата бошлади. Аввало, Қуролли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, янги мазмун-моҳият касб этди. Етти ой ичида Ситуацион марказ қурилиб, замонавий кўриниш олгани, бу билан бугунги кун қўйиши мумкин бўлган саволларга тезкор жавоб бериш имконияти яратилгани айни муддао бўлди.

Мактаб ва коллеж-лицей ўқувчиларидан тортиб онасининг етовида юрган болакайларгача иштиёқ билан, кўзларида завқу шавқ порлаб ҳарбий кўргазмани томоша қилишди. Бир томонда тарихимизни эслатадиган манзара: ҳарбий чодирлар тикилган, дала ошхоналарининг темир ўчоқларига ўтин қаланиб, аскар қозонларида шавла қайнатилган бўлса, бир томонда ўқ отиш нишонларини мерган милтиғидан мўлжалга олишга ҳавасмандлар билан гавжум бўлди. Бир тўп болалар қуршовида кўргазма айланиб, аскарлар билан суратга тушиб юрган сайил иштирокчиларидан бирининг дил сўзларига қулоқ тутинг:

– Мен, Ҳикоят Илёсова, 322-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўқувчиларим билан бирга ўзимнинг тўрт яшар ўғлимни ҳам олиб келгандим, тўғри қилган эканман. Биз болаларга дарс берамиз, уйда тарбия қиламиз, Ватанни севиш керак, деб уқтирамиз. Қаранг, шунча саъй-ҳаракатларимиз бир ёну, мана бу сайил бир ён бўлди. Менимча, ҳаёт мактаби деганлари шу бўлса керак. Болаларнинг ҳайрати, ҳаяжонини кўринг. Уларга бир умрлик таассурот берягти бугунги тадбир...

Ҳикоят опа шу сўзларни айтаркан, самода вертолётлар пайдо бўлиб, томошабинларнинг ҳис-ҳаяжонли қийқириқлари суҳбатимизни бўлиб қўйди. Ҳарбий темирқўшлар сайилгоҳ тепасига тик келиб, тумшуқларини эгиб салом қилгандек бўлди. Олқишлар авжига минди...

Президентимиз куни кеча ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган мажлисида куюнчаклик билан нутқ сўзлаб, соҳада мавжуд бўлган камчиликлар тўғрисида танқидий фикрлар билдирди. Аччиқ ҳақиқатларни ўртага ташлаб, "Сен менга тегма, мен сенга тегмай" каби боқибеғамлик, қоғозбозлик каби иллатларни кескин танқид остига олди.

Бу танқид ва талаблар барчаси Президентнинг халқимизга бўлган чексиз меҳри, эътибори, муҳаббати туфайли, деб қабул қилиниши керак. Чунки агар бугун мавжуд ҳолатга холис баҳо берилмаса, ўзимизни ўзимиз алдаб, мақтаниш билан камчиликларни хаспўшласак, бунинг оқибати ёмон бўлиши кундай аён. Афсуски, кўп йиллар мобайнида биз ўтмишдаги даҳоларимиз билан мақтаниш, боболаримиз бунёд этган шаҳарларни кўз-кўз қилиш, арзимас ютуқларимизга маҳлиё бўлиш каби касалликка мубтало бўлдик.

Мана, шу беморлигимизни иситмамиз ошкор қила бошлади. Энди жамиятни соғломлаштириш, турли "юқумли касалликлар"га қарши "эмлаш" кун тартибида турибди. Кўнгилни ёритадиган, халқимизда умид учқунларини пайдо қиладиган ислоҳотлар кун сайин кенг қулоч ёйиб бораётган, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқадиган янги ҳаётбахш ғоялар туғилаётган тарихий кунларда бефарқ бўлиш, четда туриш миллатга хиёнатдан ўзга нарса эмас. Ҳа, жиддий муаммолар кўп, лекин бу тугунларнинг ечимлари бор.

Президентимиз ҳам Олий Бош Қўмондон, ҳам шу Ватаннинг биринчи ҳимоячиси сифатида мудофаа тизимидаги масалаларни қандай ҳал қилишни очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Энди белни камар билан тортиб боғлаб ишлаш керак. Ишлаганда ҳам онгли равишда, масъулиятни зиммага олиб, юрт тақдири учун қайғуриб меҳнат қилиш керак. Бу борада кадрлар тайёрлаш, маънавияти бутун, миллатсевар ўғлонларни тарбиялаш шарт.

Армиямизнинг жамоатчилик назаридан, назоратидан четда қолмаслиги, кечаётган ислоҳотлардан халқ мунтазам хабардор бўлиб боришига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Армия маънавиятли, маърифатли бўлиши лозим. Бунинг учун, Президентимиз айтганларидек, ҳарбий хизматдаги йигитлар бадиий юксак китобларни ўқиши, шу билан бирга, ўқилган адабиётлар бўйича имтиҳон топширишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ростдан ҳам биз ҳар йили ҳарбийларга мана шунча китоб бердик, деганимиз билан натижа қандай, бу китоблар ўқиляптими, йўқми, номаълум эди. Энди бу борада ҳам тизим яратиладиган бўлди. Чунки китобни ўқиш бошқа, ўқиш масъулиятини англаш бошқа.

Биз ўтказган сўровларга кўра, ҳарбийлар ва мутахассислар қуйидаги асарларни маъқул топишган: буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Насавийнинг "Жалолиддин Мангуберди" солномаси, "Алпомиш" достони, Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб"и, "Бобурнома", "Ўткан кунлар", "Навоий", "Юлдузли тунлар", "Шум бола", "Ўтмишдан эртаклар" ва Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева каби халқ шоирларининг тўпламлари, чет эл адабиётидан Лев Толстой, Пушкин, Хемингуэй, Айтматов каби адиблар асарлари шу жумладандир. Энди уларни ўқитиш методикасини тўғри йўлга қўя олсак, аскар маънавияти бўйича қилган ишларимизнинг энг салмоқлиси шу бўлади. Ҳа, биз энг замонавий, энг қудратли қуролларга эга бўлишимиз мумкин, лекин мазкур ярoқлар қандай тафаккурга, онгга ва юракка бўйсунади, асосий масала шунда.

Шу ўринда яқинда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳақидаги қонунга ҳам тўхталиб ўтиш мантиқан тўғри бўлади. Илгари бу каби армиянинг маъно-моҳияти, мақсади ва у нимага хизмат қилиши керaклигини очиқ-ойдин акс эттирган меъёрий ҳужжат йўқ эди. Янги доктринага кўра, армиямиз тезкор, ҳозиржавоб, мобиль бўлиши, шу билан бирга, мослашувчан, яъни бугунги долғали даврнинг кутилмаган "обҳавоси"га тайёр турадиган миллий армия бўлади. "Миллий" дегани фақат бир миллатга мансуб лашкар эмас, балки Ўзбекистонни севувчи, фидойи қўшин демакдир. Доктрина хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа чет давлатлар билан манфаатимиз йўлида самарали ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий шароит яратади. Ва жуда тўғри таъкидланганидек, Доктринамиз биринчи марта халқ муҳокамасидан ўтиб, очиқ-ойдин, ошкор кўринишда қабул қилинди.

...Майдонда парад бошланади. Оркестр жанговар, кўтаринки мусиқа чалиб, кўнгилларни жумбушга келтиради. Алпомиш авлодлари, Темурбек ворислари саф-саф бўлиб шаҳдам одимлари билан ерни ларзага солиб ўта бошлади. Шу кезларда Қўнғиротда, Булунғурда, Қумқўрғону Бағдодда ҳам айни шундай сафлар ўтиб бормоқда. У ерларда ҳам болакайлар кўзида ҳайрат, аскарлар қалбида ифтихор, оналар кўзида қувонч ёшлари, бутун юртда, жонажон Ўзбекистонимизда байрам шодиёнаси. Устозлар айтганидек, тинчликда ўтган ҳар бир кун байрам, хотиржам отган тонг тараққиёт бешигидир.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти раҳбарияти диққатига!

ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРНИНГ БОИСИ НИМАДА?

Ҳамма тажанг. Кимдир ишга, кимдир ўқишга бориши керак. Ёши улуғлар, ёш болалилар, касалмандлар, ҳамма шу ерда гўё. Улар орасида тонг ёришмасдан келганлар ҳам бор. Вақт тушликка яқинлашмоқда. Сабр косаси тўлганлар норози оҳангда нималардир дегандай бўлишади...

Бу пойтахтимизнинг Учтепа тумани газ таъминоти корхонасидаги манзара. Бино зали тўлов қилиш учун келган фуқаролар билан тўлган. Бу ердаги кассаларда навбат кутиб турганларни санасангиз, санокдан адашиб кетасиз.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банкларининг бешта мутахассиси ишламоқда. "Ипотека-банк"нинг учта мутахассиси учун бинонинг кириш йўлаги бурчагида стол-стуллар қўйилган. Қолган иккита мутахассис учун бир хона.

Бинода нафақат мутахассислар учун, балки истеъмолчилар учун ҳам ҳеч қандай шароит йўқ. Атиги битта ўтирғич бор, холос. Ёш болалар йиғлаган, кексалар деворга суянган, яна кимдир навбатдан қолиб кетмаслик учун оёқ устида омонитга ўтирибди. Агар олдиндаги кишини адаштириб қўйсангиз, қайтиб навбатингизни топиб бўпсиз.

Тўловларни қабул қилаётган ходимларнинг қўли-қўлига тегмайди. Атрофда ғала-говур. Ким навбат олган, яна кимдир дардини айтган, бошқаси тўлов нотўғри бўлди, деб нолиган. Мана шундай шароитда касса ходимлари бироз чалғиса, ё ёзишда, ёки пул санашда адашади. Шундай ҳам бўлиб турибди.

– 2017 йил ноябрь ойининг 10-санасида, декабрнинг 16-санасида тўлов тўлаганман, – дейди ўзини Рустам деб таништирган йигит. – Ҳозир яна тўлов қилмоқчи бўлиб текширтирсам, декабрдаги пул тушмаган эмиш. Ўша пайтда ишлаган кассир бола ҳозир бу ердагилар орасида йўқ. Бошқаларига мурожаат қилсам, ҳамкасби қилган ишга бошқаси жавоб беролмас экан. "Яхшиси, банкнинг тумандаги филиалига бориб келинг", дейишди. Бу ерда ишим битмади. Лекин бир кунни деярли йўқотдим.

Хуноби ошган йигит шу гапларни айтдию, шошиб банкка кетди. Хўш, банк мутахассислари ўз ишига жавоб бермайдими? Нега банк мутахассисларини ушбу муассасага юборар экан, бу масалани ўйлаб кўрмайди? Уларнинг қилган хатоси учун истеъмолчи овора бўлиши керакми?

Ушбу муассасадаги ишлар давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 ноябрдаги "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида ташкил этилган. Аммо қарорда белгиланганидек, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, етказиб берилган табиий газ учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни ташкил этишда камчиликлар кўзга яққол ташланмоқда.

– Шароитимиз ёмонлиги, фуқаролар учун қулайликлар йўқлигини юқори ташкилотларга айтганмиз, – дейди ташкилотнинг газни сотиш ва ҳисобга олиш бўйича етакчи муҳандиси Самиғ Фозилов. – Лекин натижа бўлгани йўқ. Асосан тўлов тўлаш учун ҳар ойнинг ўнинчи санасигача тирбандлик кўп бўлади.

Бу гап қанчалик ҳақиқат?

– Бу ерда доим навбат кутасиз, – дейди "Боғобод" маҳалласида яшовчи Роҳила Садирова. – Қарздорлигингизни, пулингиз тушган ёки тушмаганини текшириш учун ҳам алоҳида навбат олиб, кейин кирасиз. Ойнинг қайси кунида келишингизнинг аҳамияти йўқ. Пенсияда бўлганим учун болаларимнинг уйини, ўзимизнинг уй тўловларини вақтим бемалол деб ўзим тўлаб юраман. Лекин ҳаммада бундай имконият йўқ. Кассалар сонини кўпайтириб, кутиш жойларида қулай шароитлар яратилса, биз, кексаларга ҳам яхши бўларди. Эрталаб келгандим. Ҳозир вақт тушликка яқинлашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги ҳамда Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Учтепа тумани Мажбурий ижро бюроси техник кузатув шуъбаси муҳандиси Рустам Лутфуллаевнинг айтишича, улар аҳолининг ҳал бўлмаётган муаммоларини ечишга ёрдам беришади.

– Мана кўринг, ҳар ойнинг ўнинчисигача тўловларни тўлаймиз, – дейди Журжоний маҳалласида яшовчи Тоҳира Йўлдошева. – Лекин ўз вақтида тўласам ҳам яна пеня ёзилаверади. Икки, уч, тўрт марта шундай бўлди. Майли, деб тўлаб юрдим. Энди "Менга тушунтириб беринглар. Бундай бўлиши мумкин эмас" десам, "Биз билмаймиз, Тошкент шаҳар газ таъминоти корхонасига бориб келинг", деяпти. Сарсон қилишади. Бу фақат менда эмас. Кўпчилик шу муаммонинг ортидан овора.

Яна оворагарчилик.

Шунда ҳам иш битса, хўп-хўп. Агар уларни яна тумандаги масъул ходимга учрашинг, деб қайтариб юборишса-чи? Келса, яна навбатда туриши керак. Унда бир ишни ҳал этиш учун неча кун зарур бўлади? Фуқароларнинг айтишича, газ таъминоти корхоналарида истеъмолчиларнинг вақтини олиш, узоқ вақт ишини битириб бермасдан қўпол муомалада бўлиш каби ҳолатлар тез-тез учраб турар экан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, чукур ва пухта ўйланган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётган айни паллада пойтахтимизда бўлаётган бундай ишларга нима деб изоҳ бериш мумкин?

* * *

Бу битта тумандаги аҳвол. Бошқа жойларда ҳам бу муаммо мавжуд эмаслигига соҳа мутасаддилари кафолат бера олармикан?

Сиз нима дейсиз? Сиз яшаётган ҳудудда бу каби муаммолар йўқми?

ЎзА

ЯНГИ ИНСТИТУТ АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолияти тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган сенаторлар, депутатлар, сиёсий партиялар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистларга мазкур институтнинг асосий вазифалари, тузилмаси, устувор йўналишлари ва режалари ҳақида маълумот берилди.

Институтда 37 штат бирлиги жорий этилиб, 7 бўлим фаолияти йўлга қўйилган. Улар турли соҳалар бўйича қонунларни такомиллаштириш борасида иш олиб боради. Институт Олий Мажлисга келаётган турли таклифларни чуқур таҳлил қиладиган илмий марказ вазифасини бажаради.

– Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижросини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва мониторинг қилиш тартиби, қонунчилик механизмлари ва парламент қонунчилик фаолияти, Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш – асосий мақсадимиз, – дейди институт бўлим бошлиғи Шерзод Зулфиқоров. – Келгусида қонунларнинг амалиётда қўлланилишини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш, парламент фаолиятининг методологик асосларини яратиш сингари лойиҳалар амалга оширилади.

Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти яқин вақт ичида тадбиркорлик, савдо ва экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини кодификация қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш, қонунлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ фуқаролар, тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг ортиқча бюрократик харажатларини бартараф этишнинг истиқболли йўлларини топиш, жиноий ва жиноий-процессуал қонунчиликни ишлаб чиқиш концепциясини яратишни режалаштирмоқда.

Иқтисодиёт соҳасида амалдаги қонунларни инвентаризация қилиш ва унинг натижаларига кўра, тахминан 10 та янги қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланган. Жумладан, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири тайёрланади.

2018 йилда институт Европа парламенти тадқиқотлари маркази, АҚШ, Германия, Туркия, Жанубий Корея парламентларининг илмий муассасалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолашни режалаштирган.

Тақдимот иштирокчилари қайд этганидек, мазкур институтнинг ташкил этилгани Олий Мажлис фаолиятини тубдан такомиллаштиришга, парламент фаолиятида самарадорликни кучайтиришга, аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг таъсирчан механизмини амалда қўллашга хизмат қилади.

ЎзА

Ахборот-коммуникация технологиялари

БАНК ХОДИМЛАРИ УЧУН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Тошкентдаги "Softline Education" ўқув марказида "Лаборатория Касперского" халқаро компаниясининг банк ходимлари учун "KL302.10 (k) Endpoint Security and Management" кенгайтирилган курси бўйича машғулотлар бошланди.

Ўқув курси тизим маъмурлари ва ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисларни ўқитишга мўлжалланган. Тингловчилар тажрибали ўқитувчилар ва ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари раҳбарлигида тақсимланган тармоқлар ва катта ташкилотларда антивирус ҳимоясининг замонавий, комплекс тизимларини жорий этиш, трафикни бошқариш, маъмурлаш тизимини янгилашга доир билимларни ўзлаштиради.

Улар шунингдек, "Windows учун KL Certified System Engineer: Kaspersky Endpoint Security 10" сертификатини қўлга киритиш учун ўтказиладиган имтиҳонларга тайёрланмоқда.

Роман БОНДАРЧУК

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЙЎЛИДА ҲАРАКАТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати қошида Пресс-холл фаолияти йўлга қўйилди. Унинг очилиш тадбирида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, ижодий ташкилотлар масъуллари иштирок этди.

– Пресс-холлда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимиз манфаатларига хизмат қилиши керак" деган ғояси асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнига оид матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилади, – деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби, Президент ижро аппарати раҳбари ўринбосари Комил Алламжонов. – Бу тадбирларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, изчил ислоҳотлар мазмун-моҳияти журналистлар эътиборига ҳавола этиб борилади. Мутахассислар иштирокида янги қарор ва фармонлар шарҳланади. Шунингдек, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари соҳада олиб борилаётган ишлар, белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳақида журналистларга маълумот бериб бориши тизимли тарзда йўлга қўйилади.

Пресс-холлнинг илк тадбири Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион дастурларни шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий қилиш масалаларига бағишланди. Мавзу юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Суҳроб Холмуродов маълумот берди.

Таъкидландики, 2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, қулай инвестиция муҳити яратилишига эришилди.

Бунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсадлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни юксалтириш, миллий валютани либераллаштиришга доир қабул қилинган қарор ва фармонлар муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизда бизнес муҳитининг эркинлаштирилиши халқаро молия институтлари ҳисоботларида ҳам ўз аксини топди. Жаҳон банкининг "Doing Business" рейтингига кўра, Ўзбекистон ишбилармонлар учун қулай муҳит яратиш бўйича дунёнинг етакчи 10 мамлакати сафидан жой олди.

2017 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қайта тиклангани таъкидлаб ўтилди. Мазкур банк ҳамкорликдаги дастлабки лойиҳалар учун 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратиш бўйича қарор қабул қилди.

Матбуот анжуманида давлат инвестиция дастурини ривожлантиришнинг эскирган амалиётидан воз кечилгани қайд этилди. Маълумки, шу вақтга қадар мазкур соҳада мавжуд ресурслардан нооқилона фойдаланиш, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги юзаки ўрганилганлиги билан боғлиқ қатор камчиликлар кузатилар эди. Бу жиҳатлар мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги пасайишига сабаб бўлаётган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва инвестиция дастурларига янгича ёндашувни назарда тутади.

Тадбирда 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий соҳада сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлангани таъкидланди. Хусусан, саноатнинг ўсиш суръати 107,0 фоизни ташкил қилди. Фармацевтика маҳсулотлари ва дори-дармон ишлаб чиқариш ҳажми 13,6 фоизга, электротехника, машина ва ускуналар ишлаб чиқариш 23,3 фоизга ортди. Автотранспорт, трейлер ва яримтиркамалар ишлаб чиқариш кўрсаткичи 1,7 баробарга кўпайди.

Аҳолининг уй-жойларга бўлган эҳтиёжи учун 2017 йилда тегишли дастур асосида қишлоқ жойларда 59,5 минг уй-жой фойдаланишга топширилди. Шаҳарларда 8,8 минг оила учун кўп қаватли уйлар қурилди. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида 336 минг доимий иш ўрни яратилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Матбуот анжуманида Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Улуғбек АСРОРОВ

Ватан ҳимоячилари шарафланди

ЖОНИМ ФИДО СЕНГА

Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларида ҳам байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Биз фидойи ватанпарварларга таянамиз" шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмдан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар тинчлик ва барқарорликни таъминлашда миллий армиямизнинг ўрни, диёримиз бўйлаб ўтказилган "Армия ва ёшлар" фестиваллари, мамлакатимиз мудофаасини кучайтиришга қаратилган эътибор ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида сўз юритишди.

– Мамлакатимизда мудофаа тизимининг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий ва руҳий тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор қаратилиб, Қуролли Кучларимиз тизимини тубдан ўзгартириш жараёни самарали кечмоқда, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Дилшод Баратов. – Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг фарзандларининг сифатли ва замонавий билим олишлари учун барча шарт-шароитни яратиш, соҳа фидойиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг негизида она Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган, юртимизни кўз қорачиғидек асраб, унга садоқат билан хизмат қилаётган аскарларимизга нисбатан юксак эҳтиром ва жонкуярлик мужассам.

Тадбир доирасида ҳарбий қисм аскарлари томонидан кўрсатилган жанговар тайёргарлик машқлари ёшларда она Ватан ҳимоячиси бўлишга яна бир бор ҳавас уйғотди.

* * *

Тошкент кимё-технология институтида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватаним" деб номланди.

Тадбирда сўз олган институт ректори Ш.Муталов ва бошқалар Қуролли Кучлар тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, миллий армиямизнинг жамият ва давлат олдидаги аҳамияти ва ўрни, халқимизнинг тинчлиги, юртимиз фаровонлигида ҳарбий хизматчиларнинг ҳиссасини кенг тарғиб қилиш ҳамда Ватанга хизмат қилиш йўлидан бораётган ҳарбийлар ва барча ёшларда юртга садоқат туйғусини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга ёшларни она Ватанга садоқатли, мард ва жасур ўғлонлар қаторидан ўрин олишга, мустақил Ўзбекистонимизнинг тинчлиги, осудалигини ҳамиша сақлашга қодир бўлишга чақирдилар.

Тадбир сўнгида институт талабалари ижросида янграган куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар ҳамда саҳна кўринишлари барчага бирдай байрамона кайфият бағишлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар ташкилоти тасарруфидаги Тошкент бирлашган техника мактабида "Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактаби" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

ЮРТНИНГ МАРД ПОСБОНЛАРИ

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллигига бағишланган катта байрам тадбирида "Ватанпарвар" ташкилоти фахрийлари, шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, ташкилотнинг шаҳар Кенгаши вакиллари, туман ташкилотлари раҳбарлари, маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий ишлар бўйича ўринбосарлари, "Подшобоғ" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ТБТМ жамоаси ва чақирилувчи ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар ташкилоти Кенгаши раиси А.Мақсудов, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими маслаҳатчиси М.Усмонов, шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси вакили, подполковник А.Тошматов ва бошқалар Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг олий бурчи эканлиги, ҳозирги кунда мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, Ватанимизни ҳимоя қилаётган аскар-ўғлонларимиз бугун юксак ақл-заковати, мустаҳкам иродаси, халқимизга бўлган садоқатини намойиш этаётганлигини таъкидлашди.

Сўнгра фахрли меҳмонлар тантана иштирокчиларини табриклаб, "Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактаби" мавзуси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Қуролли Кучлар фахрийси, шоир Искандар Раҳмон Ватан ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқиб барчани хушнуд этди.

— Юртимиз иқболи ва тинчлигини дилларига жо этган ҳарбийларимиз борки кўнглимиз тинч, осмонимиз мусаффо, — дейди Тошкент бирлашган техника мактаби унитар корхонаси бошлиғи Аслам Жумаев. — Шу шарафли вазифани адо этишда халқимизнинг минглаб мард ўғлонлари Ватан хизматига бел боғлаб, кунни кун, тунни тун демасдан садоқат билан хизмат қилмоқдалар. Тошкент бирлашган техника мактаби унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида ҳар йили 150 нафар ҳайдовчи-электрик ва 150 нафар радиотелефонистларни, жами 300 нафар чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаб беради. Бундан ташқари ёшлар ва фуқароларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, ўз ташкилоти тизими орқали тегишли давлат органлари, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва фуқаролар ўртасида Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларни тарғиб этиш, шунингдек, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида кўмаклашиш, ташкилотнинг ўз олдига қўйган устувор вазифа ҳамда мақсадларидан биридир.

Тадбирда ТБТМ 10-гуруҳ чақирилувчиларининг саҳна кўринишлари, жанговар кураш машқлари, Ватан, садоқат ва бурч ҳақидаги қўшиқлари даврага завқ ва файз бағишлади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоасининг куй ва қўшиқлари қалбларга кўтаринки кайфият бағишлаб, рақсларга уланиб кетди.

Тадбир сўнгида фаол иштирокчилар ва фахрли меҳмонларга Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент шаҳар ташкилоти ва Тошкент бирлашган техника мактаби номидан эсдалик совғалари, дипломлар ва ташаккурномалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонасида Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб "Миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар!" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда унитар корхонанинг бошлиқ ўринбосарлари, ишчи-ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Қобилбек Каримбеков, Маънавият ва маърифат маркази Яккасарой туман бўлинмаси раҳбари Баҳодир Юсупов ва "Ватанпарвар" ташкилоти "Яккасарой ЎСТК" унитар корхонаси бошлиғи Шуҳрат Закировлар 14 январь – юртимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида катта тантана билан ўтказилиши анъанага айланганини, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ихчам, пухта қуролланган профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳар томонлама етук кадрлар билан таъминлаш, Ватан ҳимоячиларининг салоҳиятини юксалтириш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга мамлакат мудофаа салоҳиятини кучайтириш ва ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари юртдошларимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топаётганлиги эътироф этилди.

— "Ватанпарвар" ташкилоти Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан бирга уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиради ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилади, — дейди унитар корхонанинг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Муҳаррам Кудратова. — Шу билан бирга спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ташкилотимиз томонидан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остида қатор маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда "Шароф Рашидов халқ қалбида" китоби ташкилотга совға сифатида берилди. Давра суҳбати иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

* * *

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан "Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остида "Ватан улуғ – бурчим муқаддас" деб номланган спорт мусобақаси ва байрам тадбири ўтказилди.

Миробод тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман маданият бўлими ҳамда "Тонг юлдузи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, спорт турларига бўлган қизиқишларини орттириш, ўз Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатни юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда жисмоний чиниқтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбир давомида спортнинг триатлон ва биатлон тури бўйича тўғарак қатнашчилари ва меҳмонлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Шунингдек, ташкилот ходимлари ва меҳмонлар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақа ташкил этилди. Мусобақа сўнгида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежида "Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч!" шиори остидаги маънавий-маърифий, маданий тадбир ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Коллеж директори Ботир Тўйинов йиғилганларни Ватан ҳимоячилари куни билан қутлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилганини таъкидлаб ўтди.

Коллежнинг бадиий жамоаси томонидан тайёрланган она Ватанга садоқатни намоён этувчи саҳна кўринишлари йиғилганларга манзур бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ашула ва рақс ансамбли ва коллеж ўқувчилари томонидан янграган Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир давомида коллеж ўқув гуруҳлари ўртасида ўтказилган "Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч!" мавзуидаги деворий газеталар кўрик-танловининг ғолибларига фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Кўргазма

ҲАМ ҲАРБИЙ, ҲАМ МУСАВВИР

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройида истеъдодли ижодкор Иқбол Илҳомовнинг "Бу менинг Ватанимдир" деб номланган кўргазмаси давом этмоқда.

Иқбол Илҳомов ҳам ҳарбий, ҳам рассом. Она Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилиш баробарида Иқбол тасвирий санъат соҳасида ҳам ижод қилишни унутмади. У ҳарбий ҳаётни муқаддас билди, ўз бурчини сидқидилдан адо этди, лекин қўлидан мўйқаламини сира туширмади. Она заминга, миллий армиямизга бўлган соф туй-ғусини ва садоқатини бўёқларда тасвир этди. Шу тариқа унинг турли жанрлардаги картиналари юзага келди.

Истеъфодаги подполковник И.Илҳомов экспозициясидан жой олган юртимиз жамоли, тарихий обидалар ва табиат манзараларининг тасвири туширилган асарлари ана шундай меҳнат натижасидир. Мусаввир кўргазмани барчамиз учун қутлуғ ва азиз саналар – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлади.

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида ўсиб-улғайган Иқбол рассомлик бўйича таълим олган. Ҳарбий хизматни аъло даражада бажарган ёш йигитнинг аҳди қатъий бўлди. Аввал тизимдаги ташкилотларда мусаввирлик қилди. Кейинчалик ҳарбий соҳада билимини мустаҳкамлаб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтади.

Устози Раҳимжон Ризамуҳамедовнинг таъкидлашича, Иқбол Илҳомов кўнгил мулки бўлган ижодини ўзига ва ўзгага ҳам улаша олди. Унинг асарларида борлиқ ва табиат, тарих ва бугунги ҳаёт манзарасини намоён этиб, томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлаётгани ҳам аслида шундан.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Версаль" тантаналар саройига Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ташаббуси билан аскар оналар ва ҳарбий зобитлар таклиф этилиб, байрам дастурхони ёзилди.

АСКАР ОНАЛАРИ УЛУҒЛАНДИ

Бугун Ватанни ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ўғлон учун муқаддас бурчга айланди. Ёшларни ватанга муҳаббат, ватанпарвар қилиб тарбиялашда аскар оналарининг ҳиссаси катта.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ватанимиз мудофаа қудратини юксалтиришда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Тадбирда йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг оналарига, тинчлигимизни ҳимоя қилиб турган ҳарбийларга туман ҳокимлигининг ташаккурномалари топширилди.

— Шу кунларда жойларда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. — Туманимиздан муддатли ҳарбий хизматга кетган аскарларнинг оналари байрам дастурхонига таклиф этилиб, уларга иззат кўрсатилди. Бу каби тадбирлар туманимиздаги барча ташкилот ва муассасаларда кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Туман маданият бўлими, 59, 132-мактаб ўқувчилари томонидан тайёрлаб келинган рақс ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

З. ШАРИФЖОНОВ

КОЛЛЕЖДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

Тошкент радиотехника ва автоматика коллежида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири уюштирилди. Тадбирга маҳалла фаоллари, ҳарбий зобитлар ҳамда коллеж педагог ва ўқувчилари таклиф этилди.

Дастлаб, мониторда Президентимизнинг ҳарбийлар ҳақидаги фикрлари намойиш этилди. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг "Мендирман ўша..." қўшиғи янгради.

Дарҳақиқат, давлат бор экан, унинг армияси, Ватан сарҳадларини ҳимояловчи аскарлари бўлади. Ватанни ҳимоя қилмоқ эр йигитнинг бурчидир. Тадбирда Тошкент радиотехника ва автоматика коллежи директорининг ўринбосари Кимё Насриддинова барчани Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги билан табриклади.

Шундан сўнг коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган мусиқали композиция тақдим этилди. Саҳнада мард ва жасур ҳарбийларимизнинг жанговар фаолиятидан лавҳалар берилди. Рақс ва қўшиқлар ижро этилди. Тадбирга ташриф буюрган Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан Ватанни улуғловчи қўшиқлар ижро этилди.

– Ўзбекистонни ҳимоя қилувчи мард ва шижоатли ўғлонларимиз бор экан, биз хотиржам ухлаймиз, ўқиймиз ва меҳнат қиламиз, – дейди Тошкент радиотехника ва автоматика коллежи директори Баҳодир Зиёвиддинов. – Коллежимизда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ҳарбий дарслар ва машғулотларга алоҳида ўрин ажратилган.

Саҳнага ҳарбий либосдаги йигит-қизлар чиқиб келди. Улар шеър, рақс ва қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини шод этишди.

Ш. ЗОКИРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Кафил суғурта" МЧЖ Тошкент вилояти агентлигида қатъий ҳисобда турувчи аҳолининг турар жой иморатлари ва уй-рўзғор буюмларини комплекс суғурта қилиш бўйича 13 (ўн уч) дона полис ва Бахтсиз ҳодиса (болалар) полисидан 2 (икки) дона полислар йўқолганлигини маълум қилади. Ушбу полислар 09.01.2018 йилдан ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

АММ: № 0068714, № 0068721, № 0058747, № 0068723, № 0068814, № 0068817, № 0068818, № 0068819, № 0068820, № 0068821, № 0068980, № 0068981, № 0041714.

Бахтсиз ҳодиса (болалар): № 0002503, № 0002542.

Тошкент шаҳар Сергели тумани умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими муассасаларида 2017-2018 ўқув йилида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

269-мактаб – Ҳамид Олимжон кўчаси, 2-уй.

Танлов 2018 йил 31 январь куни соат 10:00 да Сергели тумани ҳокимияти кичик залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сўғдиёна кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Обиҳаёт кўчаси, 3А-уй Халқ таълими бўлимида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 257-20-93, 257-13-53. E-mail:sergelitxtb@xtv.uz, sergelitxtb@inbox.uz

"ORGANIC HEALTHY" МЧЖ (ИНН304522977) устав фондининг 4 000 000 000 сўмдан 7 000 000 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади +99893 500-45-15

Тошкент молия институти томонидан 2010 йилда Туйбозоров Жамолиддин Нуриддинович номига берилган В №535039 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ИЖОБИЙ НАТИЖАНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Тушлик вақти бошланишига беш дақиқа қолди. Шошиб эшикдан кирган фуқарони ташкилот ходими самимият билан қарши олди. Бу муддат Фотима Акбарованинг электр учун тўловни амалга оширишига етарли бўлди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган пойтахтимизнинг Миробод тумани электр таъминоти корхонаси мутахассислари бир ойда қирқ мингдан зиёд истеъмолчини қабул қилади.

Тўловни амалга ошириш жараёнлари, ҳужжатларни расмийлаштириш ёки бошқа амалиётлар фуқароларнинг кўп вақтини олмайди. Тўрт оператору икки менежер, икки касса ходими сарфланган электр энергиясини ҳисоблаш, маълумотнома бериш, бланкаларни тўлдириш, тўловларни қабул қилишда бевосита иштирок этади. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида якшанба кунлари ҳам навбатчилик ташкил этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳолини тўловларни ўз вақтида тўлаши, масъулиятни ҳис қилишга ундади.

Фармонда белгиланганидек, ҳар ойнинг ўнинчи санасигача истеъмолчи тўловларни тўлаши шарт. Акс ҳолда Мажбурий ижро бюроси мутахассислари чора кўриши мумкин. Ушбу фармон қабул қилинганидан сўнг аҳоли газ, сув, иссиқлик энергияси, электр таъминоти учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу баъзи ташкилотларда навбат кутиш, ишни ортга суриш, вақтни беҳуда сарфлаш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқараётган бўлса, ишлар тўғри ва оқилона ташкил этилган ташкилотларда эса ҳеч қандай муаммоларга сабаб бўлаётгани йўқ. Мирободда ҳам яратилган қулай шарт-шароитлар фуқароларга манзур бўлмоқда. Кўп вақт йўқотмаслик, варақаларни нотўғри тўлдириш ҳолатлари бўлмаслиги учун ходимлар бланкаларни тўлдириб аҳолига тақдим этмоқда.

Шунингдек, тумандаги 23 мингдан зиёд истеъмолчи автоматлаштирилган бошқарув тармоғига уланган. Бу истеъмолчи ва ташкилот учун бирдек қулайлик яратади. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти сайти орқали ҳар бир фуқаро ўз шахсий кабинетини яратиши ва уни мунтазам кузатиб бориши мумкин. Бунда тўловни қачон тўлагани, амал қилиш муддати, қарздорлиги бор-йўқлигини билиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, истеъмолчининг қўл телефони тармоқдаги ахборот узатиш марказига улаб қўйилса, қачон, қанча тўлов тўлагани, муддатини хабар шаклида олиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 ноябрдаги "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни тизимли ташкил этишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Автоматлаштирилган тизимда юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматлар электрон шаклда ташкил этилган. Улар ҳар ойнинг бешинчи санасигача тўловлар учун талабномаларни электрон шаклда юбориши ва қабул қилиши мумкин.

Агар фуқаролар кўплаб мурожаат этадиган ташкилотларда барча шарт-шароитлар яратилиб, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатилса, муаммолари ўрганилиб, ечими топилса, олиб борилаётган ишларнинг самараси кўринади. Бунинг акси бўлса, норозилик кайфияти пайдо бўлади.

Миробод тумани электр таъминоти корхонасида ишлар тизимли ташкил этилган. Сизнинг туманингизда-чи?

Барно МЕЛИҚУЛОВА

ТЕАТР ҲАММА УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жойларда аҳолининг кенг қатламлари маданий жиҳатдан намунали ҳордиқ чиқаришини таъминлаш, жумладан, раҳбар ва ходимлар ташкилий равишда театрларга оилавий ташриф буюришини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

13 январдан бошланган ижодий лойиҳага мувофиқ Тошкент вилоятидаги турли идора ва муассасалар раҳбарлари оила аъзолари билан Ўзбек Миллий академик драма театрининг сара саҳна асарлари – Иззат Султон қаламига мансуб "Имон" спектакли ҳамда қорақалпоқ адиби Ўроэзбой Абдураҳмоновнинг комик жанрдаги "Ўжарлар" саҳна асаридан баҳраманд бўлди.

Лойиҳа доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрининг "Икки дил достони" балет-спектакли Тошкент шаҳридаги маҳаллий ҳокимлик ва идоралар, корхоналар, ташкилотларнинг мутасаддилари, уларнинг оила аъзолари ҳукмига ҳавола этилди. Атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб қайта саҳналаштирилган мазкур саҳна асари композитор Ориф Меликов томонидан яратилган бўлиб, у муҳаббат, садоқат, меҳр-вафо каби самимий туйғуларни тараннум этиши билан томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида театр жамоалари мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги санъат кошоналарида ўзининг энг мукаммал спектаклларини намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу кунларда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри жамоаси Наманган вилоятида "Дилдаги доғ" ҳамда "Жайдари келин" номли саҳна асарларини томошабинларга тақдим этмоқда.

23 январга қадар давом этадиган мазкур лойиҳа доирасида пойтахт театрлари юртимизнинг барча ҳудудларига ижодий сафар билан бориши кўзда тутилган.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ҳозирги кунда болалар ва ўсмирлар ўртасида стоматологик касалликлар кенг тарқалган. Айниқса тиш кариеси ва унинг асоратлари, парадонт касалликларининг кўпайиши ниҳоятда муҳим масала бўлиб, уларга барҳам бериш учун катта чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Бу борада эса туман поликлиникалари зиммасида катта масъулият ётади.

Яшнобод туманидаги 4-сон болалар стоматология поликлиникасида асосан профилактика ишлари билан мактаб врач стоматологлари шуғулланишади. Профилактика тадбирлари умумий ва маҳаллий усулда олиб борилади. Умумий таъсир қилишга овқатланишни тўғри ташкил этиш ва организмни чиниқтириш усуллари киради. Шунингдек, таркибида фтор, кальций, фосфор ва витаминлар сақловчи препаратларни тайинлаш, сув ва овқат маҳсулотлари таркибида фтор кўпроқ бўлишига эътибор бериш лозим. Маҳаллий чора-тадбирларга оғиз бўшлиғи гигиенасига мунтазам амал қилиш, тишларни тиш пасталари ёрдамида эрталаб ва кечқурун тозалаш, ҳар гал овқатланишдан кейин оғизни чайиш лозимлиги тўғрисида стоматологлар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилади.

– Болаларга боғча давридан фойдали кўникма ва одатларни сингдириб бориш, яъни соғлом турмуш тарзи қоидаларини ўргатиш соғлом авлодни вояга етказишда муҳимдир, — дейди 4-сон болалар стоматология поликлиникаси бош врачи Мурод ака Акрамов. – Жумладан, бизнинг стоматология поликлиникамизнинг тумандаги барча ўрта ва ўрта махсус таълим масканларида ҳам ўз шохобчалари мавжуд бўлиб, малакали шифокорлар "Соғлом авлод учун" дастури бўйича кичик мактаб ёшидаги болалар ўртасида стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича "Жозибадор табассум" ўқув соғломлаштириш дастурини амалга ошириб келмоқдалар. Бунда "Соғлом тишлар — соғлик гарови" шиори остида ишлар олиб борилмоқда.

Аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар самарасини ошириш давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. Айниқса, стоматологик хизмат кўрсатиш тармоғининг ислоҳ қилиниши ўзининг ижобий жиҳатлари билан таҳсинга сазовор. "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида 2016 йил ноябрь ойида поликлиникага 4 та комплект замонавий турдаги бор машиналарининг топширилиши имтиёзларга эга аҳоли учун бепул ихтисослашган стоматологик ёрдам кўрсатилишида катта қулайликлар яратмоқда.

Болажонларга малакали стоматология хизматларини кўрсатишда 4-сон болалар стоматология поликлиникаси ходимларидан Жамила Холбаева, Илёс Зокиров, Наргиза Мирханова, Саида Норова, Марина Хван каби жонкуяр, ўз касбининг устаси бўлган стоматологларнинг фаолиятлари таҳсинга сазовордир.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда болаларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик, соғлиқни сақлаш органларининг бу йўлда олиб бораётган ишлари ва тиббиёт фани ютуқлари болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, уларнинг янада зуваласи пишиқ, бақувват бўлиб ўсишларига, касалликларнинг камайиб боришига омил бўлмоқда. Зеро, бизнинг юртимизда соғлиқни сақлашнинг мавжуд тизими болаларни профилактик кўрикдан ўткази ш, касалликларни барвақт аниқлаш, уларни бекаму кўст даволаш учун имкон беради.

Дилмурод НУРМАТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Идораларо комиссиянинг 25.12.2017 йилдаги 15-сонли баённомаси билан Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари рўйхатига киритилган объектлар РЎЙХАТИ

№	СТИР	Корхонанинг номи	Объект жойлашган тумани	Объект жойлашган манзили	Хизмат кўрсатувчи банк	Хусусийлаштириш учун асос	Объект майдони (кв.м.)	Бино-иншоотлар майдони (кв.м.)	Бино-иншоотлар сони	Бўш ер майдони (кв.м.)	Бўш бино-иншоотлар тўғрисида маълумот	
											бўш бино майдони (кв.м.)	соҳаси
АА	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	301264003	"UZVALVE" МЧЖ	Бектемир	Олтинтопган кўчаси, 8-уй	Азия Аллиянс банк Шайхонтоҳур филиали		27000	9582	7	27000	9582	ишлаб чиқариш
2	200663475	"Fulong Industry" МЧЖ ХК	Бектемир	Зироат кўчаси, 1-уй	Капиталбанк Тошкент шаҳар филиали	Қўмитанинг 15.06.1995 йилдаги 918-сонли ордери	81686	29701	21		1428	ишлаб чиқариш
3	301344038	"Sans Pair" МЧЖ	Бектемир	Юқори Чирчиқ кўчаси, 2-уй	Капиталбанк Амалиёт бошқармаси		11608	2993	6		548	омборхона
4	303037529	"ROXAT NERUDNIK" МЧЖ	Бектемир	Чирчиқ бўйи кўчаси, 6-уй	Миллий банк Бектемир филиали		22562	2354	9		606	ишлаб чиқариш
5	201051818	С.К.Исломбеков номидаги "O'ZKIMYOFARM" АЖ	Олмазор	Янги Олмазор кўчаси, 1а-уй	Ҳамкорбанк Авиасозлар филиали	Қўмитанинг 16.09.1995 йилдаги 948-сонли ордери	5142	7031	1	5142	7031	ишлаб чиқариш
6	202082184	"SERVIS SAIDA" МЧЖ	Олмазор	Уста Ширин кўчаси, 117-уй	Миллий банк Саёҳат филиали	Қўмитанинг 10.01.1997 йилдаги 1208-сонли ордери	26917	3653	8	26917	3653	ишлаб чиқариш
7	200849281	"3-AVTOBUS SAROYI" АЖ	Олмазор	Янги Олмазор кўчаси, 57-уй	Ўзсаноатқурилиш банк Олмазор филиали	Қўмитанинг 31.07.1996 йилдаги 1115-сонли ордери	64 933,00	10 078,00	18	9000	250	автобус саройи
8	206819994	"ASFARMA SAVDO" МЧЖ	Олмазор	Уста Ширин кўчаси, 132-уй	УТ банк	Қўмитанинг 01.12.1994 йилдаги 752-сонли ордери	2 795,00	2 346,00	1	2795	2346	ишлаб чиқариш
9	201817068	"OLIMPIYA" МЧЖ	Олмазор	Мухбир кўчаси	Ўзсаноатқурилиш банк Олмазор филиали	Бошқарманинг 12.07.1996 йилдаги 307-сонли ордери	12257	8789	1		3200	хизмат кўрсатиш
10	200653757	"FARG'ONA-TAOM" МЧЖ	Олмазор	4-Қорақамиш кўчаси	Давр банк Олмазор филиали	Қўмитанинг 01.06.1994 йилдаги 445-сонли ордери	3 287,00	5 823,00	1		2804	маиший хизмат кўрсатиш
11	300572000	"QIYOMIDDIN UNIVERSAL SAVDO" МЧЖ	Олмазор	Чимбой кўчаси, 65-уй	Ипотека банк Олмазор филиали	02.08.1994 йилдаги 723-сонли ордер	2 048,00	3 266,00	1		1106	маиший хизмат кўрсатиш
12	205964120	"GROSS-IMPEKS" МЧЖ	Олмазор	Норатеша кўчаси, 52-уй	Ипак йўли банк Олмазор филиали	Қўмитанинг 22.02.1994 йилдаги 58-сонли ордери	6 089,00	6 318,00	4		1418	ишлаб чиқариш
13	301273260	"DOOR AND WINDOOW PRODUCTIS" МЧЖ	Олмазор	Широк кўчаси, 104-уй	Ўзсаноатқурилиш банк Олмазор филиали	Қўмитанинг 27.09.1994 йилдаги 646-сонли ордери	15 297,00	10 138,00	4		462	ишлаб чиқариш
14	300086035	"HUSH NUR BIZNES" ХК	Олмазор	Уста Ширин 1-тор кўчаси, 20-уй	Ипотека банк Олмазор филиали	Қўмитанинг 3.11.1993 йилдаги 173-сонли ордери	25 110,00	14 169,00	23	25110	12632	база
15	303738724	"INKA-CAPITAL GROUP" МЧЖ	Олмазор	Жомий кўчаси, 5-уй	Турон банк бош офиси	Қўмитанинг 29.06.1994 йилдаги 542-сонли ордери	6 060,00	2 060,00	9	6060	2060	кичик механизация участкаси
16	200525994	"Oulabitex" ШК	Чилонзор	Бунёдкор шох кўчаси, 156а-уй	Миллий банк бош амалиёт бўлими	23.12.1993 йилдаги 399-сонли давлат ордери	846	292	1		292	чакана савдо
17	418100099	Муратова Виолетта Евгениевна	Яшнобод	Мўйнок кўчаси, 88-уй		29.12.1995 йилдаги 1027-сонли давлат ордери	19559	4049	11		4049	ишлаб чиқариш

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар Перинатал марказининг вакант директори лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

Олий тиббий маълумот, акушер-гинеколог ёки соғлиқни сақлаш ташкилотчиси ихтисослиги бўйича олий тоифа ва илмий даража мавжуд бўлиши лозим.

Тегишли ҳужжатлар 2018 йилнинг 1 февралига қадар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳига топширилиши сўралади.

Маълумот учун телефон: 233-40-93

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 15-мактаб томонидан 1978 йилда Усманова Зульфия Кашифовнага берилган № 336747 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1995 йилда Тузелбаева Раушан Ризбековна номига берилган № 032238 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва куннинг биринчи ярмида қор ёғиши, кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига — 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 1-3 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 январда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5289
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 135
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10368 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 13.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5